

# ҚУВОНЧ УТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 август, чоршанба. №60-61 (14343)

## Истиқлол йилномаси

\* 1999 йил 16 март — Самарқандда яна бир ўзбек автомобиль заводи “СамКўчавто” қўшма корхонасининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

\* 1999 йил 1 май — Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилди.

\* 1999 йил 9 май — Ўзбекистонда илк марта Хотира ва Қадрлаш куни байрам сифатида нишонланди.

“Камолот” ҳудуди

## ЁШЛАР ТАЯНЧИ



**Огоҳлик... Бу сўз бугун барчага таниш. Унинг замирида инсоннинг, юртининг, миллатнинг хавфсизлиги ётади.**

Ана шундай аниқ мақсадни ўз олдига қўйган республика ёшларининг “Камолот” жамғармаси “XXI аср ёшлари ва замонавий муслмоннинг асл қиёфаси” Дастури доирасида “Ислоҳ дини ва ёшлар маънавияти” мавзусидаги кўргазмали семинар йиғилишларини республикамизнинг турли вилоятларида ўтказмоқда. Яқинда ушбу тадбир Андижон вилоятида бўлиб ўтди.

**Мазкур тадбирларнинг мақсад ва вазифалари ҳақида “Камолот” жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари ҚАХРАМОН ҚУРОНБОЕВ:**

— Дарҳақиқат, жамғармамиз томонидан олиб борилаётган ишлар ёшлар маънавияти ва дунёқарашига асосланган, дейди. — Бизда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, деган гап бор. Шу боисдан жамғармамизнинг вилоят, туман бўлимида фаолият кўрсатадиган масъул шахсларнинг диний билимга эга бўлишларини мақсад қилган ҳолда ўтказиладиган ҳар учрашувларимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси раиси Фозил қори Собиров иштирок этди. Ёшлар маънавияти ва ислом дини тўғрисида кўпгина маърузалар тингланди. Натижасини ўрганиш бўйича тузилган “Хушёрликка даъват” ташвиқот гуруҳлари олти ой мо-

байнида вилоят бўлимида, туманлар ва ҳар битта қишлоққа кириб чиқилди. Бироқ биз кутган натижани бермади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон вилоятларидаги аҳвол ачинарли.

— **Қахрамон ака, гиёҳвандлик ҳам асризмиз муаммоси сифатида барчани қийнаяпти...**

— Гиёҳвандлик билан ким шуғулланипти? Атрофга бир назар ташлайлик, кўпи ёшлар. Уларни бу йўлдан қайтариш осон эмас. Ота-оналар билан кўпроқ ишлашимиз керак. Чунки, фарзандни улар назорат қилади.

— **Ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоларини ечишда “Камолот”нинг мақсад ва вазифалари тўла бажарилаяптими?**

— Ёшларнинг энг асосий муаммоси лоқайдлик. Ўз-ўзларининг ҳуқуқларини тўла билмаслиги натижасида ишсизлик муаммоси келиб чиқади. Ҳуқуқни билмай туриб, қийинчиликларга дош беролмай осонгина пул топиш йўлини ўйлашади. Оқибатда ҳар хил оқимларга кириб, ўзини ҳақман деб ўйлайди.

“Камолот” — ёшларнинг таяни. Биз юртига фидойи, журъатли, билимли ёшлар учун ишлаймиз.

**“Туркистон” мухбири ЗИЁДА АШУРОВА сўхбатлашди**

Арафа

Инсон ер юзидаги барча мавжудотлардан ўз онги, тафаккури билан ажралиб туради. Онг эса уни изланишга ундайди. Бора-бора ҳазрати Инсон яратувчанликка қўл уради, кашфиётлар бунёд қила-

## ЭНГ БИРИНЧИ КАШФИЁТ

ди. Менинг назаримда, инсоният томонидан яратилган энг биринчи кашфиёт — бу Ватандир. Биз эса яна бугунги кунда, ҳар дам, ҳар лаҳзада уни янгидан кашф қилиб бораверамиз.

Шоир айтганидек, Ватанни фақатгина чиройи, бойликлари учун севиб бўлмайди. Уни бутунлигича ва бор вужуд билан севиш керак.

Озодлик сўзи ҳам камалакдай рангин ва жарангдор. Унга Ватан номи қўшиб айтилганда-чи?! Таърифга сизмас қўшиқ пайдо бўлади гўёки. Бу қўшиқни фақатгина юрт меҳри билан уриб турган юраклар кўйлайди.

Дарвоқе, дунёда юрт мустақиллигидан буюроқ нима бор?! Шундай экан, Истиқлол байрамини қарши олиш ва уни шод-хуррамликда нишонлаш — Бахт! Бизни истиқболда Бахт кутиб турибди. Бахт муборак бўлсин, ватандош!

Ориф Тўхташ

... Ойнадан ўпқалама

Бундан роппа-роса йигирма беш йил аввал Гиламбоп ва Истара даштларида ташкил топган, бу туман нега қоқоқлик гир-

лари сабаби шунда бўлса ажаб эмас. Тумандаги яккаю-ягона қоқоқлик жамғармаси мақсади олиб борилаётганлиги

сўраганимизда улардан бири:

— Нима қилайлик, биз ҳам яхши дам олишни хоҳлаймиз. Стадионни янтоқ босган. Ёшлар учун турли тадбирлар ўтказилмайди, дейишди.

... Новбур ва Оқжар дехқон хўжаликлари

## ҚОҚОҚЛИК ГИРДОБИ

добига тушиб қолди? Ё Қизилқумда бу ботқоқдан олиб чиқадиغان сарғайрат, ташаббускор ёшлар озми?

Туманда ёшлар учун иш ўринлари етишмаётганлиги ўз-ўзидан аён. Ёшларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, баъзилари эса тижорат соҳасида ишлаётганлик-

ҳеч қимни ташвишга солаётгани йўқ. Туман марказида кейинги беш-олти йил ичида бирор каттароқ бино қурилмаганлигидан ҳам аҳволни англаш қийин бўлмаса керак.

... Х.Эшонов номли хўжаликда ўнлаб ёшлар карта ўйнаб ўтиришганини кўрдик. Сабабини

қизилқум тумани ундан қишлоққа олиб чиқилди.

аҳолиси яшайдиган катта қишлоққа яқинда Фарғонадан икки талаба келди.

— Ун минг аҳоли яшайди, даясизлар. Истарадек шундай жойда нега аҳвол бу қадар ёмон? — сўради улардан бири.

(Давоми 3-бетда)

## ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



## ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШТИРИЛАДИ

Хабар қилинганидек, август ойининг бошларида Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош тоғли ҳудудларида нотинч вазият вужудга келди. Юзга яқин террорчи Ўзбекистон орқали Тожикистон ҳудудига бостириб кириш учун тўплана бошлади. Хабарларга кўра, босқинчилар Афғонистонда махсус тайёргарлик машқларини ўтаган. Уларнинг мақсади юртимизда кўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиш, шу билан нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказишдан иборат.

Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур воқеа муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши ва ташқи ишлар вазирлиги А.Комилов қатнашди. Анжуманда таъкидланганидек, айни чоғда террорчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳарбийлари томонидан қуршаб олинган. Босқинчиларни йўқотишда Тожикистон чегарачилари ҳам уларга яқиндан кўмак бераёпти. Ҳаракатланиш қийин

бўлган тоғли ҳудудларда террорчиларга қарши курашиш осон эмас. Шунга қарамай, жангариларнинг даралар ва табиий ғорларда писиб юриши узоққа чўзилмайди. Таъкидланганидек, улар қуршовга олинган. Босқинчи тўдаларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Чегара қўшинлари, Ички қўшинлари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги бўлиналари жалб этилган. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги шунини таъкидлар экан, жангарилар тез орада бутунлай йўқотилади ва вазият барқарорлаштирилади.

(ЎЗА)

## “ТУРКИСТОН” КУНЛАРИ

Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамғармаси, Бухоро вилоят ҳокимлиги ва “Туркистон” газетаси тахририяти ҳамкорлигида шу йилнинг 10-11 август кунлари Бухоро вилоятининг Когон ва Бухоро туманларида “Нақшоро—2000” республика ёшлари фестивали доирасида “Туркистон” газетаси кунлари ўтказилади.

Мазкур тадбирда таниқли шоир-ёзувчилар, қўшиқчию ҳофизлар, эстрада хонандалари, спортимиз юдузлари, қизиқчилар, қизикарли кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг бошловчилари, шунингдек “Туркистон” газетасининг ижодий жамоаси иштирок этади. “Туркистон” кунларига марҳамат!

Фотоайбнома

## ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?..

Тошкентнинг Абдураҳмонов номи (собиқ София) кўчасида 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси жойлашган. Шифохонага кираришда бино пештоқига осилган ёзувни кўриб, кўзларингизга ишонмайсиз. Қайта ва яна қайта кўз югуртирасиз: “Тошкент шаҳар ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш бош бошқармаси 1-шаҳар юқумли касалликлар клиника шифохонаси”.

Ёзув тепасида эса советлар тузумининг собиқ герби. Бу ўринда изоҳга эришди. Бизнингча, шифохона мутасаддилари бундан ҳар қунни ҳатлаб ўтишга керак. Мамлакатимизда эрта-индин Мустақилликнинг 9 йиллиги нишонланади. Балким шифохона раҳбарлари ушбу байрамни муносабат қилиб олиш ҳақида бош қотиришяётгандир. Аммо... Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

# ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Мен, эй одамзод, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир бегуноҳ одамнинг ўлими — бу кечирилмас фожеа. Чунки инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

Ҳолбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Очиқ мулоқот

## УМР ЭЗГУЛИК УЧУН БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмига раисининг биринчи ўринбосари Шоазим Миноваров билан суҳбат

— Суҳбатимиз дин ва ёшлар маънавияти хусусида бўлгани сабабли, аввало, инсон маънавиятини шакллантиришда диннинг тугган ўрнига ўз муносабатингизни билдирсангиз.

— Маънавиятни шакллантиришда диннинг роли ҳақида сўз юритишдан аввал мен "маънавият ўзи нима?" деган саволга жавоб излашни муҳим санайман. Маънавият — бир нечта устунга қурилган олам бўлиб, унинг биринчи устуни — маданият, иккинчиси — маърифат, яъни илм, учинчиси — жисмоний баркамоллик ва ниҳоят тўртинчиси — тақво, яъни диний эътиқоддир. Бу тўрт устун бир-бирини инкор этмайди, аксинча тўлдирди.

Диний эътиқод, гарчи шахсий масала саналса-да, диннинг асл моҳиятини аниқлаш маънавиятнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, эзгуликка, маданиятга бўлишга, илм ўрганишга, руҳ ва танни пок сақлаш ҳамда камолотга етказишга даъват Ислам динининг асосини ташкил этади.

— Ёшларнинг диний онгини юксалтириш уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда муҳим восита саналади. Ҳукуратимиз томонидан ушбу вазифа юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, бу жуда долзарб вазифа бўлиб, бу йўлда ҳукуратимиз бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, шу кунларда ўқувчиларга дин ҳақида ҳолис маълумотлар етказишни йўлга қўйиш мақсадида ўрта мактаб ўқув дастурларига махсус дарслар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

— Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Аксарият ҳолларда "диний билим" ва "дин тўғрисидаги билим" тушунчалари тенг равишда қўлланилади. Аслида эса улар бир-бирдан фарқланади. "Фикр", "Ақид" каби диний билимлар саналиб, уларда исломий таълимот фойдалари ва ислом қонуночилиги талқин этилади. Республикада

дунёвий билимлар билан бир қаторда диний билимлар ҳам ўтилуви махсус ўқув юртлири — мадрасалар мавжуд. Дин тўғрисидаги билимлар эса дин ҳақидаги, унинг тарихи тўғрисидаги ҳолис маълумотлар саналиб, ёшларга айнан шундай маълумотларни етказиш зарур.

— Айрим кишиларда "диний экстремизм" тушунчасини фақат Ислам дини билан боғлаш кузатиляпти. Шу боис, дунёдаги бошқа экстремистик оқимлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Аввало, экстремистик кайфият фақат ислом динини тўғ қилиб кўтариётган оқимларгагина хос эмаслигини яна бир қарра таъкидлаган бўлардим. Зеро, биздаги кўп маълумотлар бу фикрни тасдиқлай олади.

— Масалан, Африка қитъасидаги бир қатор мамлакатларда шундай кайфиятдаги диний секталар мавжуд. Улар ўзлари яратган динга эътиқод қилишлари оқибатида ўзларига ўт қўйиб юборишяпти. Бунинг боиси эса уларнинг "қиёматда фақат ўз жонига қасд қилган кишиларнинг руҳини ором топади" деган ақидага суянишларидир. Шу йилнинг январидан бери шундай секталарга эътиқод қилувчи уч мингдан ортиқ киши ўзини қурбон қилган.

## ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙДИ ХАЛҚ

Бир донишманд йўл четида синиб қолган ниҳолни кўриб: "Аттанг, бу ердан ҳам бир Ватан хоини ўтибди-да," деган экан.

Хар ким умид билан боғ яратади. Хар битта ниҳолни кўз қорачигидек асраб, унинг улкан дарахт бўлиб ҳосилга киришини орзиқиб кутади. Кунлар ўтиши билан ниҳоллар гуркираб бўй чўза бошлагач, боғбонга ҳасад қилиб, у яратган боғга таъма кўзи билан суқланиб боқадиганлар ҳам топилди қолади.

Биз миллий мустақиллигимизни иддизи теран ниҳолга қиёс қиламиз. Мақсадимиз адолатли жамият барпо этиш. Дарҳақиқат, биз боғ яратмоқчимиз. Аммо, бизнинг орау-умид ва интилишларимизга раҳна солиб, биз эккан ниҳолларни юлқиб, суғуриб ташлаб, бу муқаддас боғни пайҳон қилиш қасдида бўлган қора ниятли ёвуз кимсалар ҳам йўқ эмас.

Юраги меҳр-муҳаббатга, эзгуликка тўлиб-тошган, диёнатли одамлар эккан ниҳол ҳеч қачон разолатга юз тутиб, жаҳолат қурбони бўлмайди. Унинг ил-

дизи она замин бағрига чуқур ботган. Томири бақувват. У донишманд халқимизнинг иймон-эътиқоди, соф виждони туфайли бино бўлган. Аксинча, ўзларини динимиз "жонқуяр"лари атаган ёвуз ниятли экстремистик ғуруҳлар куз келмай сарғайган япроққа ўхшайдилар.

Шуни ҳам ёдда тутишимиз керакки, ҳасад диёнатсиз одамларга хос иллатдир. Қай дилдан диёнат кўтарилса, хиёнатга қўл уради.

Диёнатли одам эса, ҳеч кимга, ҳеч қачон ёмонлик соғинмайди. Аксинча, бировларнинг меҳнати-ни кадрлаб, унинг эзгу ишларига мадакор бўлади. Хиёнатдан жиноят содир бўлади. Жиноят эса жазосиз қолмайди.

Дил даъвати

Маънавият — миллат қиёфаси


## ҚУДРАТЛИ МАНБА

Республикаимиз Президенти Ислам Каримовнинг "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларини ўқир эканман, хаёлимдан жуда кўп нарсалар ўтди.

Одатда бирор мамлакатнинг куч-қудрати ҳақида гап кетганда, асосан моддий бойлиги — ер ости ва ер усти захиралари, тупроғининг унумдорлиги, сув манбалари, жуғрофий жойлашиш ўрни, табиий иқлими, заминда унадиган ноз-неъматларнинг тури, тайёрланадиган сановат маҳсулотларининг микдори ҳамда ҳарбий-мудофаа салоҳияти сингари кўрсаткичлар асосий мезон қилиб олинади. Давлатмандлиги ёки қашшоқлиги шу нуқтаи назардан белгиланади.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмига келиб жаҳондаги ривожланган давлатлар тақдирини эса бу тушунчани остин-устун қилиб юборди.

Миллий ғурури банд, таваққур олами кенг, имон-эътиқоди бутун, чинакам ватанпарвар, фидойи, иқтидорли ва меҳнатсевар халқгина мамлакатнинг асл бойлиги эканини, ана шундай фуқаролардан иборат жамият йўқни йўндиришга, бирни минг қилишга, илм-фанда ҳам, иқтисодийда ҳам мўъжизалар яратишга қодирлигини амалда намоён этди.



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

нона-келин, кўни-кўшилар орасидаги муносабат одоблари ҳақида баҳслашишдир. Аксинча бўлса, бундай мажлислар зарарлидир. Билим юртида таълим олаётган толибалар илмни ўз хоҳишича "тарқатаётган" "даъватчи"ларга жавоб бера оладиларми? Бунга илмлари, нотикликлари етадими?

— Маълумки ислом дини инсонни ҳамиша олиханов ишларга ундайди. Ундан унумли, тўғри мақсадда фойдаланиш керак. Ислам дини асосларига амал қилиш, уни халққа тўғри етказиш албатта диннинг обрўсини оширади. Аксинча бўлса, дин офатга учрайди. Пайгамбаримиз Расулulloх Саллоллоху алайҳи вассалам ҳам муборак Ҳадисларидан бирида: "Илм эгалланг. Илм — саҳрода дўст, ҳаёт йўлларда — таянч, ёлғизликда — йўлдош, бахтиёр дамларда — раҳбар, қайғули онларда — мададор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир", — деб таъкидлаб ўтгандилар.

## ИЛМ ОЛИШ ФАРЗДИР

— Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

Сабоҳат БАЙРАМОВА, Тошкент шаҳри Халичаи Кубро номли аёл-қизлар ислом ўрта-маҳсус билим юрти I курс толибаси:

— Илм ўрганиш хайрли, савобли ишлардан ҳисобланади. Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрайдиган энг асосий восита ҳам илмдир. Баъзи тенгдошларимизнинг турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолишларига асосий сабаб, маънавий қашшоқлик деб ўйлайман. Илмнинг юксаклиги аллоҳларимизнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

**АДАШГАН БАНДА БИРОВГА ЙЎЛ КЎРСАТА ОЛМАЙДИ**

— Диний-экстремистик оқимларга аралшиб қолган ёшларга нима деган бўлардингиз?

— Латофат РЎЗИЕВА, Сурхондарё вилояти Сарюсий тумани, Халичаи Кубро номли аёл-қизлар ислом ўрта-маҳсус билим юрти 3-босқич талабаси:

— "Ваҳобийлик" ёки "Ҳизбут-таҳрир" оқими таъсиридаги ёшлар ислом динининг моҳиятини, тарихини тушунмайдилар ёки уни бузиб талқин этадилар. Ислам аслида эзгуликка, тинчликка олиб борувчи диндир. Биз фозила, покиза аёллар ҳақида манбааларда шундай таърифу тавсифларига кўп маротаба дуч келамиз. "Уларнинг юзларидан нур ёғилади, нур шунчалик кучли бўлганки, қоронғу уйни ҳам ёритган..." Бу албатта рамзий маънода. Уларнинг юзларидан ёғилган нур илму урфон, маърифат нури, қоронғу уй эса жоҳил одамларнинг қалбларидир. Аллоҳ таоло азизу мукаррам қилиб яратган бандаларининг баҳоси бўлмайди. Лекин бандаси тўғри йўлдан адашса-чи, ўз ихтиёри билан ўз динини, имони, виждонини сотган бўлса-чи? Элига, юртига хиёнат қилса-чи? Энди у тенгқурлари олдида қилган яхши амалларидан ғурурланиб юролмайди. Улар диний ақидапарастларга кўр-кўрона эргашишининг оқибати нималар билан яқун топишини бир ўйлаб кўрадиларми? Ўзи адашган бандалар бировга, яъни сизга тўғри йўл кўрсата оладими? Дунёда ҳар бир инсон учун она ҳам, Ватан ҳам ягона эканлигини улар тушунишмайди, тушунишса ҳам тан олмайди.

## "ВАТАНГА МУҲАББАТ КЎР-КЎРОНА БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС"

Пойтахтимиздаги Хадичан Кубро номли аёл-қизлар Ислом ўрта маҳсус билим юрти 1993 йилда ташкил топган. Бу даргоҳда толибаларга диний илмлар билан биргаликда дунёвий илмлардан ҳам сабоқ берилди.

Тикувчилик, ошпазлик ва беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича қўшимча касблар ҳам ўргатилади. Билим юртидаги таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида муҳбиримиз билим юрти раҳбари Малика Нурмухаммедова билан суҳбатда бўлди.

— Истиқлол қадриятларимизни бугунги озод Ўзбекистон ҳаётига уйғунлаштиришга имкон берди. Муқаддас динимиз тикланди. Диний таълим оломқчи бўлганлар учун ўрта ва олий таълим ўқув юртлири очилди. Эндиликда дунёвий билимлар билан биргаликда ҳақиқий ислом ақидаларини ўрганиш учун ҳам барча имкониятлар яратилди. Зеро, ватанга муҳаббат кўр-кўрона бўлиши мумкин эмас.

— Маросимларни албатта бир илми аёл — отин бошқаради. У йилган аёлларга панд-насихат қилади. Умуман олганда, бу табиий бир ҳол. Аслида маросимларга отинийларни тақдиф этишдан мақсад, аёлларга хос масалалар, оила ва бола тарбияси хусусида фикр алмашиш, эр ва хотин, қай-

"Туркистон" мухбири Лола СОАТОВА суҳбатлашди

Истиқлол халқимизга бебаҳо ва серқуёш, саховатли заминимизнинг беҳисоб табиий бойлиқларига қайтадан эгаллик қилишдек улуг саодатни ато этди.

Айни пайтда бу улуг саодатга муносиб бўлишдек масъулиятли ва муқаддас вазифани ҳам зиммамизга юкледи.

Моддий бойликни асраш, авайлаш, қўлайтиришнинг бош шarti — ишбилармонлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ҳалолликдир.

Бу фазилатларга эга бўлиш учун эса инсон, энг аввало, маънавий бой бўлиши лозим.

Мана шу ўринда зиддиятли бир ҳолат юзага келади.

Маълумки, мамлакатимизнинг моддий-молиявий қудратини, халқимизнинг турмуш фаровонлигини бозор иқтисодиётига асосланган ҳолда юксалтириш учун ҳорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик асосида сармоя ва замонавий технологияни олиб келишни талаб этади.

Халқимизнинг маънавий раванки, маърифий юксалиши омили бўлган миллий ғоя ва миллий мафкура эса ўз қадриятларимиз, урф-одатларимиз, диний эътиқодимиз, асрлар оша шаклланган ва даврлар синовидан ўтган шарқона инсоний муносабатларимиз замирида мужассамдир.

Бошқача қилиб айтганда, маънавий бойлик соҳасида ташқи кучларнинг кўмаги ва таъсирига муҳтож эмасмиз, аксинча, халқимиз ўзгаларга ибрат ва намуна бўладиган фазилатларнинг эгасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ўз суҳбатларида Ватан туйғуси ҳамда она тилига муҳаббат масаласига алоҳида урғу берганлари, миллий, умминсоний, маънавий ва ахлоқий қадриятларни, диний эътиқодни, оила ва маҳаллани, маърифатнинг таянч бўлган халқимизнинг тарихини ва фалсафий меросини миллий истиқлол мафкураси қувват олаётганини, бошқача қилиб айтганда халқни халқ, миллатни миллат қиладиган асосий манбалар сифатида алоҳида қайд этганлари бежиз эмас.

Чунки, ўтган тўққиз йил давомида миллий Истиқлолимизни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда, буюк келажакнинг ишончли пойдеворини яратишда айнан шу омиллар кўп маротаба дуч келди.

Дарвоқе, миллий ғоя ва миллий мафкура халқимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар, замонавий билим ва дунёқараши билан, айни пайтда эркин фикр ва ўзбекона ғурур билан қуролантиришнинг сарчашмаси, мамлакатимизнинг маънавий-руҳий қудратини, салоҳиятини янада юксалтиришнинг манбаи сифатида бугун тилга олинаётгани ва жиддий эътиборга сазовор бўлаётгани йўқ.

Бу хусусда Истиқлолнинг дастлабки кунлариданок фикр юритилган, кўзда тутилган мақсаднинг асосий моҳияти Юртбошимизнинг асарлари, нутқлари, маърузалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатларида такрор-такрор айтилганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Хусусан, ўзбек халқи эришган тарихий зафар — Хурриятнинг дастлабки ўн йиллигига яқун ясалётган, жамиятимиз, сиёсий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик тамойилларни янада чуқурлаштириш жараёнининг энг масъулиятли палласига қадам қўйган даврига бу маънавий аҳамияти янада ошганлиги, ислохотларимизнинг муваффақиятини таъминловчи кучга айланаётганлиги, давлатимиз раҳбарининг иккинчи нақирқ Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида а соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш вазифасига алоҳида урғу берганликлари ҳам бежиз эмас.

Бахтиёр РИЗО (Давоми бор)

Ўзбек толаси — хорижга

# УЛЖАН ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

**Мустақиллик даврида мамлакатимиз пахта мустақиллигига эришиш билан бир қаторда етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлаб, хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри экспорт қилишни ҳам йўлга қўйди. Мазкур жараёнлар республикаимиз иқтисодийнинг қон томирларини ташкил этган пахта тозалаш очик ҳиссасдорлик жамиятларида амалга ошириляптир. Қашқадарё вилояти "Пахтасаноотсотиш" бирлашмаси раҳбари Аҳмадҷон ПОЛВОҢОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.**

— Бирлашмамиз тасарруфидаги ўн битта пахта тозалаш очик ҳиссасдорлик жамияти ва Муборак пахта тозалаш заводи йилга беш юз минг тонна пахтани қайта ишлаш имкониятига эгадир. Уттан ўн ой мобайнида бирлашмамиз вилоятнинг барча пахтачиликка ихтисослашган фермер ва хўжаликларидан жами уч юз саксон бир минг етти юз кирк тонна 1999 йилнинг пахта ҳосилини қабул қилиб олиб, қайта ишлаб, бир юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон икки тонна тола маҳсулотни тайёрлади. Ва шундан бир юз ўн икки минг тўрт юз олти беш тонна тола хорижий мамлакатлар, жумладан, Швейцария, Италия, Австрия, Голландия, Испания ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилдик. Тўққиз минг олти юз олти тонна тола мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарига етказиб бердик. Қолган қисми эса ховирда ҳамкорларга жўнатилмоқда. Айниқса, Яққабоб, Қосон, Чироччи, Қамаш, Бешкент пахта тозалаш очик ҳиссасдорлик жамияти меҳнат жамоалари сизидилда меҳнат қилаётганликлари самараси ўлароқ, вилоятимизда тола тайёрлаш режаси 32,3 ўрнига 32,9 фозга бажарилди.

— Бирлашмада янги пахта мавсумига қандай тайёргарлик ишлари давом эттирилмоқда?

— 2000 йил пахта ҳосилини қабул қилиб олиш учун завод ва пахта пунктларимизда таъмирлаш ишлари нўҳосига етай деб қолди. Хусусан, ховиргача тўққизта пахта тозалаш ҳиссасдорлик жамиятлари ва кўрқ беш-

та пахта қабул қилиш масканларида таъмирлаш ишлари нўҳосига етказилди. Яқин кунларда бошқа ташкилотларимиздаги таъмирлаш ишлари тугаланиш арафасида...

— Даромадга яраша буромад деганларидай, ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси яхши бўлса керак?


— Айни пайтда бирлашмамизда хизмат қилаётган жами олти минг бир юз ўттиз тўрт нафар ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари ўн саккиз минг сўмини ташкил этиб турибди. Бундан ташқари ходимларимизга байрамларда мукофот пуллари, дам олиш таътилида эса сизатгоҳларга йўлланмалар бериб бораётишимиз. Жорий йилда ҳам юзлаб отахон ва онахонларимиз пойтахтдаги сизатгоҳларда дам олиб қайтишди. Яна шунга айтиш мумкинки, бирлашмамизга қарашли Шаҳрисабздаги уч юз олти нафар болага мўлжалланган "Лочин" ва Яққабобдаги олти юз элик ўрини "Ёшлик" оромгоҳларида ўтган тўрт мавсумда ходимларимизнинг тўрт минг кўрқ нафар фарзандлари хордиқ чиқарди.

Бирлашмамиз ҳосилида икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган "Олтин тола" футбол жамоаси атрофига бугунги кунда юзлаб ёшларни бирлаштириб мусобақаларда фаол қатнашмоқда. Жорий йилда гуруҳимиз вилоят кубогини қўлга киритди.

Қисқаси, амалга оширилган ишлар улкан ишларимиз деб очаси хисобланади.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ**  
суҳбатлашди

Соғлом авлод — буюк давлат таянчи



*Тўдақ марбуағи зикрида*

*Онасининг қорнидаёқ гўдакни қил эҳтиёт, Унга бирор офат етмай, тўғилсин у барҳаёт.*

*Ҳомиладор ошқозонин посбон бўлиб сақлагил, Иштаҳаси бузилмасин, овқатларни бер сарҳил.*

*Она қони тоза бўлсин, овқатига бўл сергак, Токим ўшал тоза қондан озуқа олсин гўдак.*

*Эҳтиёт қил кўрқидану бақирини, ҳаяжондан, Булар бари болага ҳам етишар, ўтар жондан.*

*Чақалоқни чўмилириб, сўнг йўрғақка жойлагил, Баданини юмшатувчи ёғлар билан мойлагил.*

*Кўп эмизма, ошқозони ортиқ тўлиб кетмасин, Оч ҳам қўйма, ёш танига бундан зарар етмасин.*

*Муомаланг юмшоқ бўлсин, доим бўлгил меҳрибон, Уйқуда ҳам чўчимасин, ором олсин мурғак жон.*

*Беланчаги юмшоқ бўлсин, қоронгилаб қўй уни, Уйғоқликда ёруғликдан айирмагил ҳар кунни.*

*Кўларини рангга ўргат, кундуз кўрсин ҳар хил ранг, Кечалари осмон, юлдуз, ойга боқсин у башанг.*

*Овоз билан эрқалатиб, сўзга ўргат бирма-бир, Ул ҳам ширинсўз бўлади, бу таълимингдан ахир.*

*Гоҳи-гоҳи бол ялатгил, танглайга сурт асал, Гўдақка қуч-қувват берар, уни ёнғолмас касал.*

*Бу асалга мия ўти сувидан қўй, бўл омон, Бурни битса, шу таркибдан томизиб тур ҳар замон.*

*Сезгисин ҳам, товушин ҳам яхшилайди бу даво, Нафаслари равон бўлиб очилди аввало.*

**Абу Али ибн Сино**

*Сўзни гар тўз дедим ва гар оздим, Некин тақдир айладинг ёздим.*  
**НАВОЙ**

Азим Суюн ижоди жараёнида улғу Қайковуснинг насихатига амал қилиб: "Наср — раият, назм подшо мар-табасидир" деб қараб, кўпроқ мусиқий сўз бўлиши шейрияга имтиёз берса-да, фикрлари туйғуларидан босим келган ҳолатларда ўрни билан, "қорасўз"га — насрга ҳам қўл уриб туради. "Ўзлик" деб аташмиш уч қисман иборат салмоқли қитоб ана шу қўл уришлар самараси ўла-

ритилишидан олдин ёзилган биттиклар, "Хуррият ҳақиқатлари" тарзида аталган иккинчи қисман эгаменлик йилларида яратилган мақолалар, "Яши наво" номили учинчи қисман эса ўлкамиздаги бир қатор таниқли адибларнинг шоир А.Суюн шахси ва унинг ижоди ҳақидаги кузатишлари жой олган.

Биринчи қисман ўрин олган биттиклар билан синчқор хур шоира Зулфия ҳақидаги "Шоира сув ичган булоқ," мақола 1985 йилда ёзилган. Аммо битикда самимий инсоннинг чин ҳайратлари, асл шейриянинг яратувчилик кудрати ёрқин акс этганлиги боис у бугун ёзилгандай таассурот қолдиради. Муаллиф Зулфия ижодини тадқиқ қилмайди, текширмайди, унда аёллар шейрияга хос универсал қонунларни қилдирмайди. Балки асл бир муҳлиснинг, соддау синчқор ўқувчининг назари билан шоира ижодини элоро машҳур этган ҳижатларни кўрсатиб беради. Унинг илбар ва назокатли шейрияга хос асл хусусиятларини оддий шейрхон шуури билан аниқлашга уринади. Диалог бир дунё гапларнинг бирортасини ҳам Зулфияга айтолмаган муаллифнинг:

## ТўЗ СЎЗНИНГ



роқ юзага келган. "Истеъод энг аввал ўзгини излайди. Ўзлик эса Сўзда намён бўлади", — дейди Азим Суюн шу китобдан жой олган "Мен муҳаббатга сизнаман" мақоласида. Қалам аҳли учун Сўз фақат ниҳат эмас, балки амалдир, ўзликни намён этишнинг ишончли воситасидир. Шу боис сўзга жуада оғир масъулият юкланади, унга ҳаёт-мамот масаласи тарзида ёнадишмоқда. Публицистик мақолалар тўплами муаллифнинг оловли сўзлари ижодкор шахсияти, истеъоди, яншиқим ўзигига хос ҳижатларини ёрқин намён қилган.

"Ўзлик" — шоирнинг публицистик асарларидан ташкил топган китоб. Маълумки, публицистик асар ҳамшиша муаммодан тугилади ва унга ечим топишга қаратилади. Мазкур китоб буюк эвристикларни бошидан кечирётган миллат адибининг ўз улуси оламида турган муаммолар тизимини қанадай белгилаганлиги ва уларни ҳал қилишнинг қай ўйсинини тақлиф этганлиги жиҳатидаан эътиборга моликдир.

Тўпламга кирган мақолалар А.Суюн қизиқш ва фаолият доирасининг нечоғалук кенглигини кўрсатади. Муаллифни миллий тил тақдири, тенгдошларнинг ижоди, ёшлар шейриянинг етакчи тамойиллари, ўлка табиатини асраш, ёшларни иш билан таъминлаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, миллат иқтисодини ривожлантиришнинг ўйнашларини белгилаш, Ватан мустақиллигини ватандошлар кўнглига кўчириш йўлларини топиш, миллат аҳлининг ижтимоий фаолигини ошириш, журналистикани чинакам тўрттинчи ҳоқимиятга айлантириш ва ҳ.к. саноксиз долзарб муаммолар қизиқтиради. Тилга олган масалалар бўйича шоиримиз жуада билгичлик билан, далоли исботларини ўрнига қўйиб фикр юртади.

Тўпламдаги мақолаларнинг адиққатга сазовор жиҳати шундаки, унда муаллиф шахси тақомилнинг тадрижий ўзли ёрқин акс этган. Мазкур китоб билан танишган одам А.Суюн эътиқодини қарашларининг тараққиёт тарихини тўлиқ билди олинди, илғорлар рағбатлантирилиши лозим. Меҳнатқашларни дам олиш уйлари, санаторийларга кўпроқ жўнатиш, бунинг учун касабача уюшмалари ва ёшлар ташкилотлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар масъулиятини ошириш даркор.

## ТОТЛИ МЕВАСИ

лаб танишган одам келадиган дастлабки хулоса шундай: Азим Суюн ўзининг қайта куриш даврида яратган мақолаларини мазкур тўпламга киритишда уларни таҳрир қилмаган, яъни кечаги кунини бугунига мослаштирмаган, мозийга таъйиқ утказмаган. Ўша мақолалар ўз вақтида қандай ёзилган бўлса, шунадайлигича китобга олинган.

Кўпинча, яқин ўтмишдаги биттикларни қайта эълон қилган кишилар зўр бериб уларни бугуннинг талабларига мувофиқлаштиришга уринадилар. Бундайлар бирданга кечаги кундан тамомла воз кечишади, ундаан бутунлай юз ўгиришади. Улар гўё 91-йилгача яшамагандай, фикрламагандай, мустақиллик келишини жимгина кутиб ётгандай, эътиқодини қарашлари ҳам истиқлолдан сўнг шаклангандай кечаги кунлардан узилишади.

"Ўзлик"даги мақолалар билан танишлаган маълум бўладики, А.Суюн кечаги кундан уялмади, ўтмишини танаб сўймади. У яқин ўтмишда ҳам виждонига қарши бориб уятга қолаётган иш қилмаганлиги, эътиқолига зид бирор сўз ёзмаганлиги боис мақолалари таҳрирга муҳтож эмас. Тўғри, ҳамма сингару у ҳам ўтмишини текширади, тафтиш қилади, аммо таҳрир қилмайди, лардозламайди. У саксонинчи йилларда битилган мақолаларини ушбу китобга киритар экан, уларни бугунги кунга мувофиқлаштирмайди. Ўзининг айрим хатоларидан, уша паётлар суқмон булган мақолага содда ишончларидан бўйин товламайди. Бу ҳол муаллифнинг самимийлигини кўрсатади, китобхонга ижодкор дунёқарашдаги, фикрлаш тарзидаги тадрижий пайқаш имкониятини беради. Ижодкор шахс эса миллатининг ўрнидадир. Бинобарин, китоб ўзбек зиёлиси эътиқодини қарашлари эвристикларининг ўзига хос тарихига айланди.

Китобдан жой олган маш-

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Новбурлик йигит японги тўғлиси тупроққа ботиб турган бўлса-да, сира парво қилмади. Аксинча, ҳеч нарса кўрмагандек дардини дастурхон қилди.

Қишлоқ тугул бутун бошли хўжалиқда аҳолига турли-туман хизматлар бутунлай издан чиққан. На маиший хизмат уйи ишлайди, на турли устахоналар. Кийимларни кимёвий усулда тозалаймиз десак, узоқ йўл юриб вилоят марказига югурамиз. Қишлоқларда минглаб ёшлар яшайди, аммо уларнинг дам олиши, маданий турмуш кечириши учун шароит йўқ. Мана, "Истара" хўжалигининг 1-4 участкаларида Оқжар, Кармаки қишлоқларининг минглаб аҳолиси яшайди. Бирок бу ерда аёллар, ҳа, ёшгина келинчақлар ҳали тезак ёқиб қўй қайнашади, овқат пиширишади. Буни кўриб юрагим ачишиб кетади.

— Бадий асар ўқимокчи бўлсангиз кутубхона борми?

— Ёшлар хўжалик марказига боришлари керак, кутубхона ахтариб.

— Йўлларни яқин ўртада асфальтлаш режалаштирилмаганми? — сўради хўжалик вакилидан ҳамкасбим.

— Бунинг учун маблагни осмондан олашимми? Ҳозир сиз нега ахвол чатоқ, дедингиз. Қани Оқубобов, Х.Эшонов, "Кунчиқш" хўжаликларига ҳам бориб кўринг-чи, тузулмикин? Улардаям маиший, коммунал хизмат деган гаплар одамларнинг даярли эсидан қилиб кетган. Кийим тикиш цехлари қани? Хўжаликлардаги маиший хизмат уйлари хароба бўлиб қолган. Ҳар бир хўжалиқдаги суратхона, кийимларни бичиш-тикиш цехлари қани? Энг ёмони, хўжаликларда ҳаммом ишламайди.

— Нега шунча дардларингиз бор экан, хўжалик ёки туман раҳбарларига очик айтмайсизлар?

— Уларга бир неча йилдан бери қатнаймиш. Лекин куюқ ваъдалар бериб, қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб қайтариб юборишади. "Гиламбоп" жамоа хўжалиги ва ундан ажралиб чиққан дехқон ҳамда фермер хўжаликлари худудда беш-олтига болалар боғчаси фаолият кўрсатар эди. Уларда юзлаб кичкинтойлар таълим ва тарбия олишарди. Энди битта ё иккитадан ошмайди. Бошқа хўжалиқлардаги боғчалардаям аввалги 80-100 нафар ўринга эндиликда йигирма-ўттиз бола боғчаларга а номмагина қатнаб турганлигини кўрганда, келажгимиз тақдири бўлган ёшларга эътибор бу қадар сустлашиб кетганлигидан афсус чекасан, киши.

Тумандаги спорт мактаби дуруст ишлаётганига ким айбдор? Нима учун хўжалик, корхона ҳамда ташкилотларда стадионлар жуа камайиб қолди? Нега

# ҚОЛОҚЛИК ГИРДОБИ

хўжалиқларда валейбол, футбол, шахмат-шашка, теннис, баскетбол мусобақалари жуа кам ўтказилди? Яқин йиллардагина хўжалиқларда спорт инструктори деган лавозим бўлар эди. Энди эса жисмоний тарбия институтини битирганлар бу ишга жалб этилмаптир. Шу сабабли бўлса керак, тумандан вилоят ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларида совриндор ўринларни эгаллаган ёшлар де-



II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби, Қизилтепа тумани марказий шифохонаси шошилчи тиббий ёрдам бўлими бошлиғи, олий тоифали анестезиолог-реаниматолог Баҳром ХАМРОЕВ ҳамкасблари даврасида.

ярли йўқ ҳисоби.

Қизирик пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчилари яшайдиган кўрғонда одамлар инимлик сувини ёнғил машиналарда, вело-

лантирилган. Маънавий озик олиш учун туман ва хўжалик марказларидаги китоб дўконларини қамайтириш керакми ёки қўлайтириш? Оқубобов номили жамоа хўжалиқдаги китоб дўқони эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Туманда республика ҳамда вилоят газеталари сотиладиган дўкон

мол парварини қилинар, шу сабабли давлатга минг тонналаб гўшт етказиб берилар эди. Энди эса хўжалиқларда қорамоллар аввалгидан ўн баробар озайиб қолган. Тумандаги олти хўжалиқда беш-олти минг қўй-эчки бўлар эди. Бугунги кунга келиб эса ҳар бир хўжалиқда юз, нари борса беш-олти юз бошдан қўй қолди.

Хўш, нима қилиш керак? Дала меҳнатқашларига гам-хўрликни янада кучайтириш зарур. Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётганлар ўз вақтида иш ҳақи олишлари керак. Иккинчидан, илғорлар рағбатлантирилиши лозим. Меҳнатқашларни дам олиш уйлари, санаторийларга кўпроқ жўнатиш, бунинг учун касабача уюшмалари ва ёшлар ташкилотлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар масъулиятини ошириш даркор.

**Жовли ХУШБОҚОВ**

қизирик тумани ундан қутила оладими?

Туман марказидаги маданият ва истироҳат боғи бутунлай йўқ, тугади — боғдаги даракхлар қаровсизликдан қуриб қолган, гуллар, кишига ҳузур бахш этадиган ўт-ўнлар молларга ем бўлди. Эндиликда боғ ўрнида ижарачилар турли экин экиб, ҳосил олишмоқда. Ҳар бир хўжалиқда тўрт юз-беш юз бошдан, хатто Х.Эшонов номили хўжалиқда бир неча минглаб қора-

(Давоми 4-бетда)

Сизга зарур китоблар

(Авазга 3-бетга)
"Ватан юкини юраги бор кўтарари" мақоласида 1992 йилда бўлиб ўтган суҳбат мазмунини ёритилган. Унда журналистнинг: "Юкори лавозимда ишлашни хоҳлармидингиз?" деган суроғига А.Суюннинг: "Хоҳайман. Айнан ҳозир" деб жавоб берганини таъсирланган. Қаранг, нақадар асимона жавоб. Фақат шоир А.Суюнгина асл ниятини шунадай даражада, парадоксал билдириши мумкин. Мунофиқлиги бўлганлиги, самимий ва ростгўй бўлганлиги учун ҳам бунақа сохта камтарлик қилмади, ўзини тарозига солимади, кўнгалгагини очиб айтмади...

Тарх бўлба бўлади. Демак, тарх учун аҳамиятсиз нарса бўлмайди. Миллий қадрининг ҳар қандай кўринишига диққат қаратиш юксалининг шартидир. Ҳар қандай миллатнинг раванқини таъминлаш, тарихини шухратларга буркаш учун фидойи бўлиб-чиқар зарурлигини кўйидаги тарзда кўйиб айтилади: "... қайси халқнинг ўз бўлиб-чиқари, далолати бўлмас экан, ўша халқ ер юзидан супурилиб кетиши маҳкум". Миллий ғоя шу сингари самимий ва асосли биткилар ёрдамида шакллантирилиши аён.

ТУЗ СЎЗНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

А.Суюн бадиий мақолаларида муаммоларнинг мураккаб жиҳатларидан кўз юмганлиги, хаспўшлагани учун ҳам ёзилган вақтда қандай ўқилиши бўлса, бугун ҳам охорини ўқотмаган. "Камбағаллик билан мағрурлик бўлмайди. Камбағаллик — кийан. Ҳеч ёққа боролмайсан. Камбағаллик — қанотсиз қуш, парвози йўқ", — деб ёзади "Мен муҳаббатга сизинанам" мақоласида. Келтирилган кичик парчада "камбағаллик" сўзи уч бора таққорланган келади. Сўзи ўз урнида авайлаб ишлатишга интиладиган адиб таққорланган шундан ҳам кўйиб қолмайди. У кескин ва қатъий фикрларди. Ўз қарашларини ҳукм тарзда билдиришдан ҳам хижолат чеқмайди. Унинг кўйидаги фикрларга эътибор қилинг: "Мустақиллик ягона бўлади. Унинг иқтисодий, сўсий... каби турлари йўқ", — дейди мақолаларида. 1990 йилда ёзилган "Мустақиллик бўли" мақоласида: "Қошқиди, болаларимиз чет мамлакатларда ўқиса, келиб ўз ватанларига хизмат қилса...", — дея оруз қилади шоир. Нияти тўғри одам орузларнинг амалга ошганлигини кўради экан. Мана, фарзандларимиз дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида таҳсил қилиш келишмоқда. Шу китобдан жой олган бир мақола: "Ўзбекистоннинг Давлат Байроғи, Герби ва Маҳиятини халқ руҳига мос қилиб яратилиши таъминлаш керак. Тонганок "Ассалои..." деб ҳамда сано ўқиб етар!" дейилган. Бу гапларнинг битилганлигига ўн йилдан ошди. Адибнинг фуқаролик позицияси, ижодкорлик жасорати ана шу биткиларида намоён бўлган. Хуллас, шу каби жиҳатлар А.Суюн мақолаларининг ўқилишини таъминлашга, бугунги ўқувчиларнинг эътиборини жалб этишига сабаб бўлган.

Ҳаётининг муқобили бўлмайди. Бир бор берилмаган неъмат бир марта кечилмайди. Интилувчан одам учун кечирилган умрнинг бирор кунини бекор кетмайди. Ҳаётининг тажриба, кечима, сезимлар қат-қат бўлиб ишқор тўнганлига жойланади. Узини намоён этишнинг қулай фурсатини кўтиб туради. А.Суюн мақолалиги миллат зиёлисидаги ана шу жиҳатларни ифода этади.

Миллат дарди ва халқ орт...

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Республика ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ва "Туркистон" газетаси "Ёш тадбиркорлар — ёшлар қаноти" мавзусида мақолалар танловини ўтказди.

Танлов 2000 йил 15 августдан 31 ноябрга қадар давом этади.

Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёритилиб борилади ва танлов ҳайъатига тақдим қилинади.

Мақолалар 2 интервалда 5 бетдан ошмаслиги керак.

Танлов мукофотлари:

1-мукофот э н г кам иш ҳақининг 10 баробари

2-мукофот э н г кам иш ҳақининг 8 баробари

3-мукофот э н г кам иш ҳақининг 6 баробари

Муаллиф учун:

Энг кам иш ҳақининг 5 баробари

Энг кам иш ҳақининг 4 баробари

Энг кам иш ҳақининг 3 баробари

Танлов тадбиркорлик соҳасида иш олиб бораётган янги номларни кашф этишига ишонимиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, "Туркистон" газетаси.

Муҳайй Йўлдошева

сўзлайди: "Мен ўзимни ҳаётда жуда кўп кечиккан ижодкорлардан бири деб ҳисоблайман", — деб ёзади муаллиф "Ватан юкини юраги бор кўтарари" мақоласида. Ҳақиқатан, А.Суюн тенгдошларидан икки-уч йил кейин мактабга боради. Урта маълумотга эга бўлган ҳам олий мактабга дарво киролади. Икки йил ҳарбий хизматни ўтади. Зур машаққату ҳавотирлар билан кечки бўлимга талаба бўлади. Биринчи тўплами чиққанда ёши ўттиздан ошиб қолган. Яхшиямки, умр фақат йилларнинг саногини билан ўлчанмайди. Умрга зуғум ўтказиб, ўз маромидан чиқариш имконсиз. Инсон ҳаётининг муқобили бўлмайди. Бир бор берилмаган неъмат бир марта кечилмайди. Интилувчан одам учун кечирилган умрнинг бирор кунини бекор кетмайди. Ҳаётининг тажриба, кечима, сезимлар қат-қат бўлиб ишқор тўнганлига жойланади. Узини намоён этишнинг қулай фурсатини кўтиб туради. А.Суюн мақолалиги миллат зиёлисидаги ана шу жиҳатларни ифода этади.

Миллат дарди ва халқ орт...

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Республика ёшларининг "Қамолот" жамғармаси ва "Туркистон" газетаси "Ёш тадбиркорлар — ёшлар қаноти" мавзусида мақолалар танловини ўтказди.

Танлов 2000 йил 15 августдан 31 ноябрга қадар давом этади.

Танловга юборилган мақолалар сараланиб, газета саҳифаларида ёритилиб борилади ва танлов ҳайъатига тақдим қилинади.

Мақолалар 2 интервалда 5 бетдан ошмаслиги керак.

Танлов мукофотлари:

1-мукофот э н г кам иш ҳақининг 10 баробари

2-мукофот э н г кам иш ҳақининг 8 баробари

3-мукофот э н г кам иш ҳақининг 6 баробари

Муаллиф учун:

Энг кам иш ҳақининг 5 баробари

Энг кам иш ҳақининг 4 баробари

Энг кам иш ҳақининг 3 баробари

Танлов тадбиркорлик соҳасида иш олиб бораётган янги номларни кашф этишига ишонимиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, "Туркистон" газетаси.

Муҳайй Йўлдошева



КИЗЛИК ТУРУРИ

Бохорнинг илиқ кунларидан бири эди. Биринчи соат физика дарси. Устоз дарсни жуда моҳирлик билан ўтар, ўзим ҳам физика фанини яхши кўрардим. Дарс сўнггида савол бериш ниятида ўрнимдан турмоқчи эдим, сочим шунақа тортиладики, қичқириб юбордим. Ҳамма қотганча қолди, чунки ҳеч ким менга бунақа ҳазил қилиш нарқада турсин, "бурнимдан баландроқ" сўз айтолмасди. Енимдаги дугонама Ҳафиза "воу" деганича стол суянгичига боғлаб қўйилган сочимни еча бошлади. Сочим жуда узун ва майда қилиб ўрилганди. Орқадаги партада Акбар исми синфдошим ўтирарди, унинг бунақа ҳазиллашиши...

Хуллас, сочим ечилган, шарт ўғирилиб, Акбарнинг юзига тарсаки туширдим. Қўп-қизариб, нимадир деганича юзини ушлади. Қўйлагининг ёқасидан ушлаб тортиганим, у ўрнимдан туриб кетди. Акбарни қандай қилиб йиқитдим, билмайман... Бир пайт қарасам, Акбар парталар оралиғидаги очик жойда чалқанча йиқилган, ҳамма бизни ўраб олган, устоз қўлимдан ушлаганича нималарнидир тушунтирарди.

БИР ОЙДАН СЎНГ

Битирув кечаси бўлди. Мен Тошкентга ўқишга келдим, бахтим чопиб талаба номига сазовор бўлдим. Акбар билан бир неча марта тўйларда, кўчада дуч келишим, мен уни кўрмагандай терс ўғирчилик кетардим. Уни тўйимга ҳам чақиролмадим. Тўй кунини Ҳафиза шунақа чиройли гулдаста олиб келдики, асти сўраман. Оқ ва қизил атиргуллардан ясалган, ўртасида бир донна сарғимтир гунча ҳам бор эди. Мен сарқ гулларни ёқтирардим. Гулларни никоҳ оқишмода стол устига қўйиш кераклигини айтиб, дугонама миннатдорлик билдирдим.

ҲАФТАЛИК ОБ — ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика гидрометеорология маркази маълумотига кўра, 9-10 август кунларида республикамизга фарбдан нисбатан салқин ҳаво оқимлари кириб келиши кутилмоқда. Бунинг натижасида ҳарорат пасаяди. Фарғона водийи ва тоғли ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда...

Уч кундан кейин Ҳафиза мени кўришга келди, тоғуларни кўриб, ерга қаради ва: "Бир гап айтсам хафа бўлмайсани", — дейди. Йўқ, жавобини олган, ботинмайгина гулдастани Акбар берганини айтди. Мен бир унга, бир гулларга қараганимча тош қотиб қолдим. Туларни улоқтирмоқчимисан? Ахир, ордан тўрт йил ўтди. Ҳаммамиз ҳар ёққа тарқаб кетдик. Ахир, кечирим сўради, қабул қилмадинг, хатларини очмасдан йиртиб ташладинг, тўйингга чақирмадинг, у эса келди, сўрашмадинг.

Бунчалар худбин, бағритош бўлсанг

Агар Акбарни ўрнида мен бўлганимда, ушанда ҳаммани олдада ургангун учун ҳеч қачон юзингга қарамасдим. У ушанда кучсизлигидан йиқилди, деб ўйлайсанми? Йўқ, у ўзини гуноҳкор сезгани учун сенга қаршилиқ қилмади. Бунчалик жаҳонг қиқшини билмаган, ахир. Армияга кетаётган экан. Уша бемаъни ҳазили учун ўзини кечира олмаслигини айтди. Унга сен билан гаплашганим деганим, шу пайтгача аралашмадим. Агар сенинг оладинга заррача қадрим бўлса, Акбарни мен учун кечиргим". Ҳафиза кетди. Кўз ўнгимда Акбарнинг тўй кундаги маҳзун қиёфаси жонланди. У стол устидаги гулларни кўриб, ярашганимизга ишониб армияга кетганидир. Ўтган йилларни эслаб, Акбарни кечиргим келди, бироқ юрагимда нимадир уни айбдор деб таъкидларди.

Сайёра ШОЕВА

Уйлаб-ўйлаб ўзимдан ранжийман. Арзимаган ҳазилни деб йиғит кишининг гурурини ер билан яқсон қилишга ҳаққим бормиди? Аёлларим пичирлабди: ўй, ҳаққинг йўқ эди. Акбарни кўргим ва айтгим келди: Акбар, мен сени кечирдим. Аллақачонлар кечириб юборганим.

Ч.Ф. "ADELIYA"

Акмад Икрамовского р-н г. Ташкент Код ОКПО 16875947 ликвидиротується. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня опубликования по телефону 45-86-98

Азиз ватандошлар!

Сизларни Мустақиллик кунидан муборокбод гимизнинг яқинлашиб этамиз. Барчангизга келаятган тўққиз йил-тинчлик-осойишталик, лик байрами билан чин фойз-барака тилаймиз!

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти жамоаси

Сирдош

Уйнаётган маҳал бехосдан рўпарада уларга қўшила олмасдан турган Акбар билан нигоҳимиз тўқнашди. Уни кўриб титраб кетдим, аммо "чақирилмаган жойда нима бор" дегандек ҳумрайиб қарардим. Акбар жимайди, лекин сал нотабийроқ. Уч кундан кейин Ҳафиза мени кўришга келди, тоғуларни кўриб, ерга қаради ва: "Бир гап айтсам хафа бўлмайсани", — дейди. Йўқ, жавобини олган, ботинмайгина гулдастани Акбар берганини айтди. Мен бир унга, бир гулларга қараганимча тош қотиб қолдим. Туларни улоқтирмоқчимисан? Ахир, ордан тўрт йил ўтди. Ҳаммамиз ҳар ёққа тарқаб кетдик. Ахир, кечирим сўради, қабул қилмадинг, хатларини очмасдан йиртиб ташладинг, тўйингга чақирмадинг, у эса келди, сўрашмадинг.

Бунчалар худбин, бағритош бўлсанг

Агар Акбарни ўрнида мен бўлганимда, ушанда ҳаммани олдада ургангун учун ҳеч қачон юзингга қарамасдим. У ушанда кучсизлигидан йиқилди, деб ўйлайсанми? Йўқ, у ўзини гуноҳкор сезгани учун сенга қаршилиқ қилмади. Бунчалик жаҳонг қиқшини билмаган, ахир. Армияга кетаётган экан. Уша бемаъни ҳазили учун ўзини кечира олмаслигини айтди. Унга сен билан гаплашганим деганим, шу пайтгача аралашмадим. Агар сенинг оладинга заррача қадрим бўлса, Акбарни мен учун кечиргим". Ҳафиза кетди. Кўз ўнгимда Акбарнинг тўй кундаги маҳзун қиёфаси жонланди. У стол устидаги гулларни кўриб, ярашганимизга ишониб армияга кетганидир. Ўтган йилларни эслаб, Акбарни кечиргим келди, бироқ юрагимда нимадир уни айбдор деб таъкидларди.

Сайёра ШОЕВА

Уйлаб-ўйлаб ўзимдан ранжийман. Арзимаган ҳазилни деб йиғит кишининг гурурини ер билан яқсон қилишга ҳаққим бормиди? Аёлларим пичирлабди: ўй, ҳаққинг йўқ эди. Акбарни кўргим ва айтгим келди: Акбар, мен сени кечирдим. Аллақачонлар кечириб юборганим.

Ч.Ф. "ADELIYA"

Акмад Икрамовского р-н г. Ташкент Код ОКПО 16875947 ликвидиротується. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня опубликования по телефону 45-86-98

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университети қўйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага қабул эълон қилади

- Докторантура
01.04.04. — Физикавий электроника.
05.13.01 — Техникавий тизимларда бошқарув.
05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалар, тизимлари ва тармоқлари.
Аспирантура
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун.
01.04.04 — Физикавий электроника.
01.04.10 — Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси.
04.00.11 — Маъданли ва номтадан конлар геологияси, уларни излаш ва қидириш.
04.00.12 — Фойдали қазилма конларини излаш ва қидиришнинг геофизикаси.
05.02.08 — Машинасозлик технологияси.
05.09.03 — Электр-техника мажмуалари ва тизимлари, уларни бошқариш ва ростилашни ичиға олган ҳолда.
05.09.05 — Назарий электротехника.
05.11.13 — Тиббий муҳит, моддалар, материаллар ва буюмларни текшириш асбоблари ва усуллари.
05.13.01 — Техникавий тизимларда бошқарув.
05.13.07 — Технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича).
05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари.
05.13.16 — Илмий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини, математик моделлаштириш ва математик усуллари қўллаш.

Маълумот олиш учун аспирантура бўлимига: Тошкент шаҳар Талабалар шаҳарчаси ТошДУ Бош бизнес, 413 ёки 415-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 46-80-81

Turkiston
МУАССИС:
"Туркистон" йилларининг "ҚАМОЛОТ" ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Тажриб ҳайъати: Хотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИМОИЛОВ (масъул котиб), Шаозим МИНАВВАРОВ, Фафвор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Муҳбирлар 133-95-97
Хатлар бўлими 133-79-69

Набатчи муҳаррир Гулжамол АСКАРОВА
Тажрибта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳрират нуктани назардан фарқлангани мумкин.

"Шарқ" нашриёт-матбаа конторни босмахонаси
Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Буюртма Г. — 610.

Рўқбатдан ўтиш тартиби №00012
Сўраёт усулида босилган.
Қўра бичими А-2.
Босишга топширилган вақти—20.00
Тошқирлиди—21.00
1 2 3 4 5 6